



doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss4/a60](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a60)

## КИЧИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИННИГ ШАКЛЛАНИШИ

**Байбобоева Фируза Набижоновна -**  
Наманган муҳандислик-қурилиш институти,  
кафедра мудири, доцент

**Аннотация.** Ушбу мақолада иқтисодий хавфсизлик, кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий хавфсизлик тизимининг муҳим таркибий қисмлари эканлиги тавсифланган. Корхоналарда иқтисодий хавфсизликни ташкил этиши жараёнининг умумий шарт-шароитлари таърифланган. Юзага келиши мумкин бўлган таҳдиднинг олдини олиш ва унинг минимал даражасига эришиш учун функционал таркибий қисмлари таҳлил этилиб, улар нималарни ўз ичига олишилиги таърифланган.

**Калим сўзлар:** кичик ишлаб чиқариш корхоналари, иқтисодий хавфсизлик, таҳдидлар, эндоген омиллар, экзоген омиллар.

## ФОРМИРОВАНИЕ ПОНЯТИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НА МАЛЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

**Байбобоева Фируза Набижоновна -**  
Наманганский инженерно-строительный институт,  
заведующий кафедрой, доцент

**Аннотация.** В данной статье описано, что экономическая безопасность является важным компонентом системы экономической безопасности малых производственных предприятий. Определены общие условия процесса организации экономической безопасности на предприятиях. Для предотвращения возможной угрозы и достижения ее минимального уровня анализируются функциональные компоненты и описывается, что в них содержится.

**Ключевые слова:** малые производственные предприятия, экономическая безопасность, угрозы, эндогенные факторы, экзогенные факторы.

## FORMATION OF THE CONCEPT OF ECONOMIC SECURITY AT SMALL PRODUCTION ENTERPRISES

**Bayboboeva Firuza Nabijonovna -**  
Namangan Engineering-Construction Institute,  
head of department, associate professor

**Annotation.** This article describes that economic security is an important component of the economic security system of small manufacturing enterprises. The general conditions for the process of organizing economic security at enterprises are determined. To prevent a possible threat and achieve its minimum level, functional components are analyzed and what is contained in them is described.

**Keywords:** small manufacturing enterprises, economic security, threats, endogenous factors, exogenous factors.

**Кириш.** Бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятини бошқариш ва ташкил этишда янги ёндашувларни татбиқ этишда қийинчиликларга дуч келаётган кичик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан иқтисодий хавфсизликка қизиқиш ортиб бормоқда. Кичик ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий хавфсизлигининг муҳим таркибий қисми таъминлаш механизмидир, яъни хукуқий ҳужжатлар мажмуи, усуслари, чоралари, кучлари ва иқтисодий хавфсизлик мақсадларига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминловчи воситалар. Иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳолаш воситалари ҳам худди шундай муҳим аҳамиятга эга, бу молиявий таҳлилнинг ролини оширади ва ушбу соҳадаги чора-тадбирлар са-марадорлигини баҳолаш имконини беради.

Юқоридагилар ушбу мақола мавзусининг дол зарблигини белгилайди.

Замонавий шароитда корхоналарнинг иқтисодий фаолиятига микроиқтисодий (кадрлар, капиталнинг етарлилиги, бошқарув сифати) ва макроиқтисодий (қонунчилик ҳолати, мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият ва ҳ.к.) омиллар таъсир қиласи, бу эса кичик ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммосини сезиларли даражада кучайтиради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Е.Н.Безверхая ўзининг илмий ишларида: "Кичик корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги корхона ресурсларидан энг самарали фойдаланишни, барқарор иш фаолиятини юритиш ва ривожланишни таъминловчи ҳолатидир, қабул қилинадиган хавф даражасида унинг қийматини макси-

мал даражада оширишга қодир", – деб таъриф беради [1].

Турли муаллифлар томонидан берилган "Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги" атамасининг мазмунини ўрганиш, бу таърифларда асосий кенг тарқалган умумий фикрлардан бири – иқтисодий хавфсизлик кичик корхонанинг молиявий барқарорлиги ва ресурслар билан таъминланганлиги билан чамбарчас боғлиқ.

"Иқтисодий хавфсизлик" атамасини аниқлашга бўлган ёндашувлар турли олимлар томонидан турлича келтирилган. А.Б.Борисов ўзининг ишларида: "Иқтисодий хавфсизлик давлат томонидан мамлакат иқтисодиётига ички ва ташқи иқтисодий таҳдидлардан тузатиб бўлмайдиган зарар етказилишининг олдини олишни кафолатладиган шарт-шароитлардир, корхонадан махфий иқтисодий маълумотларнинг чиқиб кетишининг олдини олиш жараёнидир", – деб таъкидлайди [2].

В.И.Нечаев ва П.В.Михайлушкин: "Иқтисодий хавфсизлик ташкилотнинг прогрессив ривожланишининг етарли даражасини таъминловчи иқтисодий ҳолати, мумкин бўлган ташқи ва ички таҳдид ва таъсирларга нисбатан иқтисодий манбаатларнинг дахлсизлиги ва мустақиллигидир", – дейдилар [3].

И.А.Бланк эса: "Ташкилотнинг иқтисодий хавфсизлиги – бу ташкилотнинг ички ва ташқи таҳдидлар шароитида омон қолиш ва ривожланиш қобилияти нуқтаи назаридан муносабатлар тизимидағи ҳолати, шунингдек, олдиндан айтиб бўлмайдиган ва олдиндан айтиш қийин бўлган омилларнинг ҳаракатлари" – деб асослайди [4]. Т.Е.Кочергина таърифика, фирманинг иқтисодий хавфсизлиги фирма хусусиятларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичидир, ташқи ва ички иқтисодий таҳдидлар шароитида "ўзўзини сақлаб қолиш" ва ривожланиш қобилиятини акс эттиради [5].

В.В.Шлыковнинг таърифика, корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги корхона ҳаётий манбаатларини реал ва потенциал хавф манбаларидан ёки иқтисодий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳолатидир [6].

М.И.Королев эса: "Иқтисодий хавфсизлик корхонанинг ҳолати бўлиб, унинг ҳар қандай сифатлари, мулки параметрлари ва унга таъсир қиласидиган ташқи муҳитнинг исталмаган ўзгариши эҳтимоли кичикдир", – дея таъкидлайди [7]. А.А.Одинцов ўзининг илмий ишланмалида: "Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги – бу таҳдидларнинг олдини олиш ва корхонанинг ҳозирги ва келажакда барқарор ишлашини таъминлаш учун корпоратив ресурслардан энг самарали фойдаланиш ҳолатидир", – деб айтиб ўтади [8].

"Иқтисодий хавфсизлик" таърифига назарий ёндашувларни таҳлил қилиб, кичик ишлаб

чиқариш корхонасининг моҳияти тўғри акс эттирилганлигини танлаш мумкин – бу корхона иқтисодий манбаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш, миссия, уни яратиш мақсадларини амалга оширишни таъминлаш, фойдани максимал даражада ошириш ва барқарор ривожланишдир.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотнинг методологияси кичик ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий хавфсизлик тушунчасининг ривожланиш масалаларига бағишлиган.

Таҳлил жараёнида таққослаш, тизимли таҳлил усусларидан фойдаланилган. Кузатув методи орқали кичик ишлаб чиқариш корхоналарида хавфсизлик ҳолати баҳолангандан абстракт-мантиқий фикрлаш орқали тегишли хуласалар шакллантирилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигининг яна бир муҳим таркибий қисми таҳдидларнинг олдини олиш ва корхонанинг ҳозирги ҳамда келажакда барқарор ишлашини таъминлаш учун корпоратив ресурслардан энг самарали фойдаланиш ҳолати ҳисобланади. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ривожланиш мақсадлари тизимида бўйсуниши керак ва корхонанинг стратегик ва тактик режаларини шакллантиришда ҳисобга олинishi керак. Бунинг учун корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминловчи асосий омилларни ажратиб кўрсатиш керак.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омилларига корхона ва минтақалар, умуман, мамлакат хавфсизлиги ўртасидаги муносабатларни кўрсатадиган экзоген омиллар ва корхона-шахс ўртасидаги муносабатларни кўрсатадиган эндоген омиллар киради.

Замонавий бизнес дунёсида иқтисодий хавфсизлик маъмурий бошқарувнинг борган сари муҳим ва кўп мақсадли таркибий қисмига айланмоқда. "Хавфсизликка таҳдид" тушунчаси йилдан-йилга ўзгарувчан бўлиб бормоқда, янги омиллар ва элементлар доимий равишда таҳдидлар рўйхатига киритиб борилмоқда [9].

Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича ваколат ва мажбуриятларни тақсимлаш тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ваколатига кириши керак. Тизим, айнан, ўзининг иқтисодий хавфсизлигини устувор йўналтириш, турли усусларни бирлаштириш ва бизнес субъектлари имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали таъминлашга қаратилган. Тадбиркорлик субъектлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш механизмлари – маълум бир мантиқий кетма-кетликка риоя этиш учун йўналтирилган яхлит тизим.

Мавжуд хилма-хил обьектлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигидаги роли нуқтаи назаридан уларни ани-

лашни талаб этади. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги обьектларини тор ва кенг нұқтаи назардан күриб чиқыш мақсадға мувофиқ ҳисобланади.

Иқтисодий алоқалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклида ҳам, ундан ташқарыда ҳам мавжуд. Иқтисодий муносабатларни тартибга солиш омиллари хилма-хил бўлиб, кичик турдаги тадбиркорлик фаолиятида энг асосий омил иқтисодий хавфсизликни таъминлашдан иборат бўлиши лозим.

Корхона иқтисодий хавфсизлигига омиллар таъсирини батафсил ўрганиш учун таҳдидларни аниқлаш ва уларни таснифлаш керак. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлик даражасига таъсир қиливчи таҳдидлар обьектга нисбатан ташки ва ички бўлиши мумкин. Бизнинг фикри мизча, корхона иқтисодий хавфсизлигига чет-

дан таъсир қиливчи таҳдидлар 1-расмда кўрсатилган.

Иқтисодий хавф манбаига қараб корхона хавфсизлиги обьектив ва субъектив бўлиши мумкин. Объектив таҳдидлар корхона ёки унинг ходимлари иштирокисиз ва иродасига қарши вужудга келади ва булар қабул қилинган бошқарув қарорларига боғлиқ бўлмайди. Объектив таҳдидларга молиявий ҳолат конъюнктураси, илмий кашфиётлар, форс-мажор ҳолатлари ва шу кабилар киради. Субъектив таҳдидлар қасдан келиб чиқади – кишиларнинг, турли органлар ва ташкилотларнинг қасдан, шу жумладан, рақобатчи ва халқаро корхоналар ҳаракатлари. Айнан шунинг учун уларнинг олдини олиш, асан, иқтисодий муносабатлар субъектларига таъсир қилиш билан боғлиқдир.



**1-расм. Корхона иқтисодий хавфсизлигига четдан таъсирлар**

**Манба:** муаллиф ишланмаси.

Ташки таҳдидларнинг манбалари қуйидагилар ҳисобланади [10]:

1) бозор конъюнктураси, талабнинг ўзгариши, валюта курслари, маҳсулот қатори, кредитлар нархи, рақобатнинг кучайиши;

2) ноҳақ рақобат ва корхонага қарши қаратилган учинчи шахсларнинг бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлари;

3) давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг бошқа сабабларидан келиб чиқадиган мамлакатлараро, сиёсий, диний жиҳатдан корхона обрўсига таҳдид;

4) саноат фалокати, баҳтсиз ҳодисалар, террорчилик ҳаракатлари, табиий оғатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар.

Ички таҳдидларнинг манбалари бўлиб эса қуйидагилар ҳисобланади [10]:

- 1) ходимларнинг ҳаракатлари;
- 2) маҳфий маълумотларни ошкор қилиш,

3) ўғрилик мақсадида назорат тартиб-қоидларини қасдан бузиш, бепарволик;

4) корхонада назорат механизмининг номуккамаллиги ёки йўқлиги.

Корхона иқтисодий хавфсизлигини бошқаришнинг асосий мақсади ҳозирги шароитда унинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш, келажакда ривожланиш ва ўсиш учун потенциал яратишdir.

Корхона иқтисодий хавфсизлигини бошқаришнинг асосий функционал мақсадлари этиб қуйидагилар кўрсатилади [10]:

1) зарур корпоратив ресурсларни шакллантириш (капитал, кадрлар, хуқуқлар, ахборотлар, технологиялар);

2) корхона фаолиятининг молиявий-иқтисодий соҳасини стратегик ва тактик режалаштириш;

3) иқтисодий хавфсизликни тактик режалаштиришга мувофиқ функционал компонентлар;

4) корхона хавфсизлигининг иқтисодий функционал таҳлилини амалга ошириш.

Юқоридаги иқтисодий мақсадларнинг ҳар бирини бажариш корхона хавфсизлигининг асосий мақсадига эришиш учун муҳим – бу корхонанинг барқарор ривожланишидир. Бундан ташқари ҳар бир функционал иқтисодий хавфсизлик мақсадлари ўзига хос кичик мақсадларга эга, функционал мақсадга мувофиқлиги ва корхоналардаги ишнинг хусусиятлари билан белгиланади. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлик тизимининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

а) корхона ва унинг ходимларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

б) маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва корхона ривожланишини прогнозлаш;

в) рақобатчилар хўжалик тузилмаларининг разведкаси, уюшган жиноятилик ва шахсларнинг корхонага нотуғри ниятда кириб келишига йўл қўймаслик;

г) моддий бойликлар ва корхонанинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

д) компания фаолиятида энг мақбул иқтисодий стратегия ва тактика масалалари бўйича бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун керакли маълумотларни тўплаш;

е) бинолар, иншоотлар, худуд ва транспорт воситаларининг жисмоний ва техник муҳофазаси;

ж) аҳоли ва бизнес шерикларининг корхонага содиқлигини ошириш, хўжалик фаолияти режаларини амалга оширишга ҳисса қўшиш;

з) хавфсизлик тизимининг самарадорлигини назорат қилиш, унинг элементларини такомиллаштириш.

**Хулоса ва тақлифлар.** Юқоридаги вазифалар, рақобат шароитлари, ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда корхона фаолияти унинг иқтисодий хавфсизлиги тизимига асосланади. Шуни таъкидлаш керакки, умумий хусусиятларига қарамай, иқтисодий тизимда ҳар бир кор-

хонанинг хавфсизлиги индивидуалdir. Унинг тўлиқлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан давлатда мавжуд бўлган қонунчилик базасига, корхона раҳбари томонидан ажратилган моддий-техника ва молиявий ресурсларга, корхонанинг ва ундаги ҳар бир ходимининг унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш муҳимлигини тушунишига боғлиқ, шунингдек, иқтисодий хавфсизлик тизимини қуришда раҳбарият томонидан қабул қилинган қарорлар асосий роль ўйнайди.

Кўпчилик кичик корхоналар битта йўналишларда ишлашга ихтисослашган. Ишлаб чиқаришнинг табиати, агар керак бўлса, бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тез ўтишга имкон бермайди. Шунингдек, у маълум таҳдидларни келтириб чиқаради:

1) юқори ихтисослашган корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бозорида рақобат кучайиши;

2) минтақада рақобатнинг кучайиши, бу маҳсулотларни ташиб истеъмолчи (бирламчи саноат, бир қатор товарларни ишлаб чиқариш) учун нархларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келадиган ҳолларда муҳим аҳамиятга эга;

3) объектив сабабларга кўра ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талабнинг пасайиши;

4) унинг барча кўринишларида адолатсиз рақобат;

5) бозорни монополлаштириш.

Шахсий таҳдидларнинг мавжудлиги билан бир қаторда, компаниянинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларнинг пайдо бўлишига сабаб бўладиган кўплаб омиллар ҳам мавжуд. Ушбу омилларни билиш уларни аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам беради ва шунинг учун компаниянинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидлар эҳтимолини камайтиради.

Иқтисодий хавфсизликка хавф ва таҳдидларни баҳолаш учун турли мезонлардан фойдаланиш мумкин. Мезонни танлаш ҳар бир таҳдидга белги ёки белгилар йиғиндинсини белгилашни ўз ичига олади, бунинг асосида корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ҳолати тўғрисида хулоса чиқарилади. Шундай қилиб, корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлар мураккаб ва доимий эканлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Безверхая Е.Н. Экономическая безопасность предприятия: сущность и факторы. / Е.Н.Безверхая, И.И.Губа, К.А.Ковалева. // Научный журнал КубГАУ – Scientific Journal of KubSAU. 2015. №108. С. 220-231.
2. Баранникова, Сигидов Ю.И. // Научный журнал КубГАУ. 2012. № 80(06). [Электронный ресурс]. URL: // <http://ej.kubagro.ru/2012/06/pdf/24.pdf>
3. Нечаев В.И., Михайлушкин П.В. Экономический словарь: справочное издание. Краснодар, Просвещение-Юг, 2011. – 463 с.
4. Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. – Киев: Эльга: Ника-центр; [M], 2001. – 590 с.
5. Кочергина Т.Е. Мировая экономика. Изд. 2-е, доп. и перераб. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. – 267 с.
6. Шлыков В.В. Экономическая безопасность предприятий. – М.: «Вираж-центр», 1995. – 40 стр.
7. Королев М.И., Экономика. Риски. Защита: словарь-справочник. – М.: Анкил, 2008. – 150 с.
8. Одинцов А.А. Менеджмент организаций. Введение в специальность – Экзамен, 2014. – 318 с.
9. Байбобоеva Ф. (2022). Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10(3), 283-290.
10. Кочергина Т.Е. Экономическая безопасность. / Т.Е.Кочергина. – Ростов н/Д: Феникс, 2012. – 448 с.